

Миллионларингиз ўзингизга сийлов



19:00 / 04.04.2021 6625

Азиз ўқувчи, салибчиларга Фаластиннинг бир қарич ерини ҳам беришдан бош тортган, тарих тажовузкорлари томонидан ёмонотлиқ қилинган — Усманийлар халифасининг улуғ султонларидан бўлган Абдулхамид II ҳақида тўхталамиз.

«Мен жаноб Герцлга бу ҳақда бошқа ўйламасликни маслаҳат бераман. Фаластин менинг шахсий ерим эмас. У — бутун мусулмонлар диёри. Менинг боболарим бу ер учун юз йиллаб курашиб, унинг тупроғи мусулмонларнинг қони билан суғорилган. Яҳудийларга тилагим: «Миллионларингиз ўзингизга сийлов». Агар Усманийлар халифалиги қачонлардир қулайдиган бўлса, шунда сизлар уни бепул оласизлар. Бироқ мен ҳаёт эканман, Аллоҳга қасамки, мен учун танамга ханжар санчилгани, Фаластинни Ислом ўлкасидан ажралиб қолишига қараганда яхшироқ».

Мусулмонлар хизматчиси Абдулхамид II

Кастилия католиклари Андалусияни тўлиқ эгаллаб олганларида, яҳудийларни Испаниядаги экстремист христианлардан фақат мусулмонлар қутқариб қолишган. Бундан ташқари, европалик христианлар яҳудийларни римликлар билан ўзаро тил бириктириб, христианларга қарши чиққан деган айблов билан уларни Европанинг бошқа ўлкаларидан ҳам қувиб чиқаришганда Усманийлар халифалиги уларни қабул қилган. Европада турли даврларда яҳудийларга қарши оммавий қирғинлар бўлиб турган. У пайтда мусулмонлар ўзлари билан яшаган бошқа халқ вакилларига ҳам яхши муносабатда бўлганлар. Бу борада Пайғамбар алайҳиссаломдан ўрнак олганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу сабоқлари Андалусиядаги Ислом ўлкасида яҳудийлар ва христианлар, мусулмонлар билан тинч-тотув яшаганлари бунга яққол мисолдир.

Шунингдек, Европадан қочган яҳудийларни Усманий мусулмонлари яхши қабул қилиб, уларга чиройли муомала қилишган. Усманийлар уларга ҳозирги Грециянинг Салоники шаҳридан ер ажратиб берган. У пайтда бу шаҳар Усманийларга тегишли эди. Шунда яҳудийлар Усманийлар халифалигининг ҳимояси остида тинч ҳаёт кечирганлар. Бироқ бу кўрнамаклар христианларнинг қирғинидан қочиб қутула олмаган бир пайтда уйига олиб келиб меҳмон қилган бу ўлкага қарши бош кўтарганлар!

Баъзи яҳудийлар Исломни қабул қилганини ошкор қилганлар. Улар тарихда «дўнме» (ўзгарган ёки муртадлар) номи билан танилган. Булар мусулмонлар билан иноқ яшаб, баъзилари давлатнинг юқори лавозимига кўтарилишган. 19 асрнинг охирларида Усманийларнинг юлдузи сўна бошлаганда, дўнме яҳудийлари халифаликни йўқ қилиш мақсадида, миллатчи турклар ва бошқа кучлар билан иттифоқ тузадилар. Аммо халифа Абдулхамид II нинг ҳукуматга келиши билан уларнинг ниятлари амалга ошмай қолади. Усманийлар империясининг иқтисодий аҳволи оғирлашган бир пайтда сионистлар ҳаракатининг раҳнамоси Теодор Герцл Усманийлар халифасига яҳудийларни Фаластинга кўчиб келиб, ўша ерда қарор топишлари учун ер ажратиб беришини сўраб, 150 миллион фунт стерлинг таклиф қилади. Лекин Усманийлар зурриёти Абдулхамид II бу таклифни қатъиян рад этади. Ундан кейин дунёвий авторитар ва миллий ғояларга чақириб, Ислом тамойилларига қарши курашган «Ёш турклар» сиёсий ташкилоти ташкил қилинади. Сўнгра юқори мартабали амалдорлар бирлашиб, «Бирлик ва тараққиёт» қўмитасига асос соладилар. Бу «Ёш турклар» ҳаракатининг ҳарбий қаноти қатор тузилган. Бу партия 1909

йили давлатда исён кўтариб, Абдулҳамид II ни тахтдан қулатишади. Сўнгра улар бир пайтлар Европадан қочиб келган яҳудийларни жойлаштирган Салоники шаҳрига халифани сургун қилишади. Абдулҳамид II ўша жойда, 1918 йили 10 февраль куни вафот этади. Лекин Ислом халифаси ўзи таълим олган бир шайхга исёнчи сионистлар инқилоби ҳақида яширин нома йўллашга муваффақ бўлган.

Барчамизга маълумки, султон Абдулҳамид II тахтдан қулатилгандан сўнг Камол Отатурк деган генерел пайдо бўлади. Бу одам ҳақида тарихда ҳар хил ихтилофли маълумотлар мавжуд.

Манба: «Ислом умматининг 100 буюк шахси»

Хуршид Маъруф тайёрлади